2015 ЙИЛ 22 МАЙ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 106 (12.919)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ






***Шаҳримиздаги «Туркистон» саройида «Камалак» болалар ташкилоти шаҳар бўлими томонидан «Камалак» сардорларининг XIV анъанавий анжумани бўлиб ўтди. «Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун!» шиори остида ташкил этилган тадбирда ёшлар, мактаб ўқувчилари ва умумтаълим муассасаларидаги «Камалак» бошланғич ташкилотининг етакчилари иштирок этди.***

**Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда**

## ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖА ВА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Тадбир очилишида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Ғаниев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида баркамол авлодни ҳар томонлама етук шахслар қилиб вояга етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлаб ўтишди.

Юртбошимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни бажаришда дастуриламал бўлмоқда.

«Камалак» болалар ташкилоти томонидан болаларни маънавий-ахлоқий қадриятларга асосланиб тарбиялаш, уларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, тинчлигимизга раҳна солувчи ҳаракатларга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш ҳамда миллий қадриятларимизни ёш авлод онгига сингдириш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун қулай шарт-шароит яратиш, қизиқишлари бўйича тўғри йўналтириш, спортга жалб қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида мақсадли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бугунги кунда «Камолот» ЁИҲ шаҳар Кенгаши ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти ўз сафларига 84811 нафар ёшларни бирлаштирган бўлса, шулардан 4144 нафари сардорлик фаолиятини юритиб келмоқда.

Анжуман доирасида «Камалак» болалар ташкилоти шаҳар бўлими томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгусидаги устувор ишлар, аъзолар сафини янада кенгайтириш, улар орасидан ёш иқтидор эгаларини аниқлаш ва ҳар томонлама рағбатлантириш юзасидан истиқболдаги режа ва вазифалар белгилаб олинди.

— Мазкур анжуманни ўтказишдан мақсад ташкилот томонидан амалга оширилаётган ишларни сарҳисоб қилиш, келажакдаги вазифаларни белгилаб олиш, ташкилот сардорларининг билим-кўникмасини ошириш, илғор тажрибаларини оммалаштириш, қўллаб-қувватлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш, юртимиз ёшлари ўртасида мустаҳкам дўстлик алоқаларини ўрнатиш ва уларни Ватан равнақи йўлида бирлаштиришдан иборат, — дейди Тошкент шаҳар «Камалак» болалар ташкилоти раиси Бобур Мирзаев. — Ташкилот болаларни ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан муҳофаза қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқатли этиб тарбиялашга қаратилган жуда кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқда. Бу каби амалий ишлар келажаги порлоқ, истиқболи ёрқин ёшларнинг иқтидор ва қобилиятларини юзага чиқаришда имкониятлар яратиб беради.

«Баркамол авлод» болалар ижодиёт марказлари жамоаларининг концерт дастури, истеъдодли ва ташаббускор ўғил-қизларнинг тасвирий санъат асарлари, ҳунармандлик буюмлари кўргазмаси иштирокчиларга кўтаринки кайфият бахш этди.

Анжуманда бир қатор йўналишлар бўйича фаол ёшлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар**

**Ислом Исмоилов олган суратлар**

## ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ – ДОЛЗАРБ МАСАЛА

***Тошкент шаҳрида 21 май куни Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳининг 22-ялпи мажлиси бошланди.***

Халқаро амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, террористик тузилмалар шароитлар ўзгаришига тез мослашиб, ўз фаолиятини молиялаштиришнинг янги йўлларини топмоқда. Бу эса жаҳон ҳамжамиятидан ўз вақтида самарали чораларни кўриш, уларнинг йўлига тўсиқ қўйиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштиришни талаб этмоқда.

Шу мақсадда Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда молиявий чораларни ишлаб чиқувчи халқаро ҳукуматлараро гуруҳ фаолият кўрсатмоқда. Саккизта минтақавий гуруҳни ўз таркибида бирлаштирган ушбу ягона халқаро тармоқ жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасида глобал стандартларни ишлаб чиқади, миллий тизимларнинг мазкур стандартларга мувофиқлигини таъминлайди.

2004 йилда Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи ташкил этилган эди. Унга минтақанинг 9 давлати, жумладан, Ўзбекистон аъзо бўлган. Яна 14 мамлакат, 18 халқаро ва минтақавий ташкилотга гуруҳда кузатувчи мақоми берилган.

Шу кунларда пойтахтимизда ушбу ташкилотнинг навбатдаги ялпи мажлиси ўтказилмоқда.

Мажлисда Евроосиё гуруҳига аъзо давлатлар ва кузатувчилар делегациялари, жумладан, Пул маблағларини ўзлаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ, ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси, МДҲ Аксилтеррор маркази, ЕХҲТ вакиллари, шунингдек, Италия, Польша, АҚШ, Франция ва Черногориядан экспертлар иштирок этмоқда.

Мажлисни Евроосиё гуруҳи раиси Ажай Тьяги (Ҳиндистон) бошқармоқда.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Абдуллаев, Ҳиндистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринбосари Р.Мехриши ва бошқалар сўзга чиқди.

Евроосиё гуруҳи томонидан катта ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Ташкилотга аъзо барча давлатларда бу борада зарур ҳуқуқий асослар яратилиб, молиявий разведка институтлари ташкил этилди.

Минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда, терроризм, диний экстремизм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашишда Ўзбекистон муҳим ўрин тутаётгани алоҳида таъкидланди. Евроосиё гуруҳи мажлисининг Тошкентда ўтказилаётгани муҳим воқеа бўлиб, бу мамлакатимизнинг глобал таҳдидларга қарши курашишда фаол иштирок этаётганининг яна бир ёрқин далилидир.

*(Давоми 2-бетда)*

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

***21 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Депутатлар мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Даставвал Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг йиғилишлари ўтказилиб, уларда қуйи палата мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар дастлабки тартибда кўриб чиқилганди. Қонун лойиҳаларининг ҳар томонлама муҳокамаси натижалари бўйича уларни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган ва тавсиялар берилган эди.

Депутатлар ўз ишларини янги таҳрирдаги **Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг лойиҳаси**ни биринчи ўқишда муҳокама қилишдан бошладилар.

Халқаро стандартларга мос келадиган божхона ишининг ягона қонунчилик базасини янада шакллантириш, божхона маъмуриятчилигининг барча босқичлари ва даражаларида ҳуқуқий нормалар ҳамда ёндашувларнинг бир хил шаклда қўлланилишини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни божхона томонидан тартибга солишнинг уйғунлиги ва шаффофлигини ошириш мақсадида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ишлаб чиқилди.

Қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги бир қатор янги қонунлар қабул қилинганлиги билан ҳам боғлиқ бўлди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

— Янги таҳрирда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси амалдагисидан концептуал жиҳатдан фарқ қилади, — дейди **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси И.Ҳожиев.** — Кодекс лойиҳаси мамлакатимиз ҳудудида самарали божхона назоратини таъминлаш ва товар айирбошлашни тартибга солиш, ташқи савдони ривожлантириш ҳамда ташқи савдо операцияларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш борасида муҳим аҳамиятга эга. Унинг қабул қилиниши ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча қулай шароитларни яратади.

— Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектларига, товар белгиларига, хизмат белгиларига бўлган интеллектуал мулк ҳуқуқларининг эгасини, товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи эгасини ҳимоя қилиш билан боғлиқ янги тартибнинг жорий этилаётганлигини янги таҳрирдаги Божхона кодекси лойиҳасидаги муҳим ижобий жиҳат сифатида қайд этиш жоиздир, — дея таъкидлади **«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси А.Ҳамроев.** — Унда махсус муҳофаза қилиш чораларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинадиган интеллектуал мулк объектлари божхона реестрига киритилиши назарда тутилган.

— Янги таҳрирдаги Божхона кодексининг лойиҳасида божхона тўловлари билан боғлиқ масалалар батафсилроқ тартибга солинган, — деди **Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Қ.Мирзаев.** — Лойиҳада божхона тўловларини тўлаш бўйича мажбуриятларнинг инсофли бўлиши ва тўхтатилиши жиҳатлари аниқ белгиланган, шунингдек, товарнинг бож қийматини аниқлаш ва баён қилиш масалалари ҳам қатъий тартибга солинган. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг инсофли иштирокчиларини ҳимоя қилиш мақсадида янги таҳрирдаги Божхона кодекси лойиҳасида ортиқча тўланган божхона тўловларини қайтариш тартиб-таомиллари батафсил ёзиб қўйилмоқда. Божхона тўловларининг тўланишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, таъминлаш шароитлари ва миқдорлари белгилаб қўйилмоқда.

— Ягона ахборот маконини шакллантиришнинг умумжаҳон тенденциялари ҳисобга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаси замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланишга мўлжалланган, — дея таъкидлади **Ўзбекистон «Адолат» Социал-демократик партияси фракцияси аъзоси Д.Тангиров.** — Шу муносабат билан лойиҳанинг махсус боби божхона ишида ахборот тизимлари ва ахборот технологиялари муаммоларига бағишланган бўлиб, уларни жорий этиш, қўллаш ва ҳимоя қилиш масалалари кўриб чиқилган. Бундан ташқари, лойиҳага «ягона ойна» тамойили бўйича божхона тартиб-таомилларини татбиқ этишнинг янги механизми киритилган, бу эса ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун барча тўсиқларни бартараф қилиш, сарф-харажатларни қисқартириш ва вақтни тежаш имконини беради.

Депутатлар, шунингдек **«Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси**ни ҳам кўриб чиқдилар. Ҳужжат халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, етакчи хорижий мамлакатларнинг тегишли ҳуқуқий муносабатларни қонунчилик йўли билан тартибга солиш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда амалдаги норматив базани такомиллаштиришга, дори воситаларига нисбатан техник талабларни халқаро амалиёт билан уйғунлаштиришга, фармацевтика соҳасининг ривожланишига ғов бўлиб турган ортиқча маъмурий тўсиқларни бартараф этишга қаратилган.

Сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи таъкидладиларки, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳолини сифатли ва самарали дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъминлашни янги босқичга кўтаради.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаларининг асосий қоидалари ҳар томонлама муҳокамадан сўнг маъқулланди ва депутатлар уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар. Келиб тушган таклифларни инобатга олиб, ҳужжатларни кейинги ўқишга тайёрлаш масъул қўмиталарга топширилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати**

**XXI аср садоси**

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Самарқандда «Юксак маънавиятли авлод» республика ёшлар фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман, шаҳар босқичларида ғолибликни эгаллаган 14 ёшдан 25 ёшгача бўлган 380 нафардан ортиқ иқтидорли йигит-қиз иштирок этди.**

**● Бухоро вилоятида Корея Республикасидан келган офтальмологлар иштирокида ёши улуғ инсонлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ҳамда Жанубий Кореянинг «Vision Care Servise» халқаро ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилган тиббий кўрик «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилди. Унда Бухоро ва Навоий вилоятларидан 700 дан зиёд отахон ва онахон ташхис-текширувдан ўтказилди. Юзга яқин кексаларнинг кўзидаги катаракта олиб ташланди ва сунъий кўз гавҳари қўйилди.**

**● Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида умумтаълим мактабларини тамомлаётган ёшларни таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга қаратилган «Таълим + карьера» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.**

**● Навоийда Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ҳамда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган фестиваль «Бахшилар юртни куйлайди» деб номланди.**

**● Самарқандда бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмаркада тижорат банклари мутахассислари томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларга кредит олиш ва бошқа масалаларда зарур маслаҳат ва тавсиялар берилди. Тадбир давомида 410 дан зиёд иштирокчи ўзига муносиб иш топди.**

### ЖАҲОНДА

**● Буюк британиялик тарихчи ва ботаник Марк Гриффитнинг таъкидлашича, у англиялик шоир ва драматург Уильям Шекспирнинг ҳаётлик чоғида чизилган ягона портретининг асл нусхасини топишга муваффақ бўлган.**

**● Электроника маҳсулотларини ишлаб чиқаришда оламга машҳур Жанубий Кореянинг «LG» компанияси дунёдаги энг юпқа телевизорнинг тақдимотини ўтказди. Ушбу телевизорнинг қалинлиги 1 миллиметрдан ҳам кам бўлиб, ҳажми 55 дюймга тенг, оғирлиги эса 1,9 килограммдан иборат. Деворга магнит ёрдамида ўрнатиладиган ушбу янги маҳсулотнинг жорий йилнинг куз ойларида сотувга чиқарилиши мўлжалланмоқда.**

**● Япониялик автомобиль ишлаб чиқарувчи компаниялар АҚШдан деярли 34 миллион дона ўз машиналарини қайтариб олмоқдалар ва бу бутун автомобилсозлик тарихида энг йирик шундай ҳолат ҳисобланади. Ушбу машиналар камида беш кишининг ҳаётига зомин бўлган ва жиддий носозликларга эга Takata фирмасининг хавфсизлик ёстиқчаларидан фойдаланилганлиги учун қайтариб олинган.**

Тадбирлар

# ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

***Яшнобод туманидаги Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Кексаларни эъзозлаш — улуғ қадрият» шиори остида «Энг намунали оила» ва «Пойтахтнинг энг ораста қизлари» деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.***

Унда шаҳримиздаги энг намунали оилалар вакиллари, нуроний отахон-онахонлар, ёшлар ва «Ораста қизлар» тўгараклари аъзолари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова ва бошқалар Юртбошимиз раҳнамолигида оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларимизни миллий анъаналаримизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш, оилалар тинчлиги ва фаровонлигини оширишга қаратилаётган юксак эътибор давлатимиз тараққиётини юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлаб ўтишди.

Бугунги кунда шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси томонидан оила, оналик ва болаликни муҳофазалаш, ёш оилаларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, айниқса миллат келажаги бўлмиш қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш борасида кўплаб ижтимоий лойиҳалар, маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Ўқув муассасаларида фаолият олиб бораётган «Ораста қизлар» тўгаракларидаги машғулотлар ҳам қизларни ўзбекона урф-одатларимизга амал қилган ҳолда тарбиялаш, уларнинг ўз саломатлигига эътибор билан қараш, оила, жамият ва Ватан олдидаги бурчини теранроқ англашида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.



— Оила муқаддас қўрғон ҳисобланади, — дейди Яккасарой туманидан ташриф буюрган энг намунали оила вакили Турсунбой Бадалов. — Болалар тарбиясига эътибор қаратиш, уларнинг баркамол инсон бўлиб шаклланишида миллий урф-одат ва қадриятларимизни ёшлар онгига сингдириш биз ота-оналарнинг бурчидир. Турмуш ўртоғим Аржуманд билан тўрт нафар фарзандларимиз тарбиясига катта эътибор қаратиб келмоқдамиз.

Тадбир доирасида туманлардан ташриф буюрган қизлар миллий либослар кўргазмасини йиғилганлар эътиборига ҳавола этишди.

Пойтахтимиз туманларидан энг ибратли деб топилган оилалар вакиллари ҳамда «Ораста қизлар» тўгарагининг энг фаол аъзоларига эсдалик совғалари, диплом ҳамда ташаккурномалар топширилди.

**Гулнигор САТТОРОВА**

**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа**
**Ислом Исмоилов олган сурат**

***Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда БМТ Тараққиёт дастури томонидан ногиронларнинг сифатли ва нисбатан арзон реабилитацион техникаларга бўлган эҳтиёжини қондириш масаласи ўрганиб чиқилди ва баъзи замонавий анжомларнинг намуналари сотиб олинди.***

# ЗАМОНАВИЙ АНЖОМЛАР ТАЛАБ ВА ИСТАКЛАРГА КЎРА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Автомобиль эҳтиёт қисмлари, велосипед ва мототехника ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг реабилитация анжомларни ишлаб чиқаришга бўлган салоҳиятига бағишланган махсус семинар ҳам ўтказилди.

Тадбирда замонавий реабилитация техникалари ва уларнинг техник ҳужжатлари билан таништириб ўтилди. Семинарда ногиронлар ҳам иштирок этишди ва махсус анжомларни ишлаб чиқаришда яна нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтишди. Ишлаб чиқарувчилар намойиш этилган намуналар ва техник ҳужжатлардан келиб чиқиб, ногиронлар аравачалари, юриш мосламалари ва бошқа реабилитация воситаларининг намуналарини яратиш устида иш бошладилар.

— Юртимизда ногиронлар учун махсус анжомлар ишлаб чиқариш масаласига катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Сардор Абдуқундузов. — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда ногиронлар ва ёлғиз кексаларга профессионал ижтимоий хизмат кўрсатиш» лойиҳаси мутахассислари ишлаб чиқарувчилар, ногиронлар масалалари бўйича мутахассислар ва ногиронлар ўртасида учрашув ташкил этдилар. Ногиронларнинг эҳтиёжларини яхши англаган ҳолда маҳсулотларнинг прототип нусхаларига баҳо берилди ва уларни янада мукаммаллаштириш бўйича тегишли тавсиялар айтиб ўтилди.

Янги маҳсулотларнинг бу қадар пухта ва бамаслаҳат ишлаб чиқарилишидан келиб чиқиб, «Made in Uzbekistan» брендi остида тақдим этиладиган ушбу реабилитация анжомларининг ҳам сифат, ҳам нарх жиҳатидан анча мақбул ва ногиронларнинг корига яровчи маҳсулот бўлишига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Ишлаб чиқаришнинг янги иш ўринлари яратиш учун ҳам хизмат қилишини таъкидлаш жоиз. Бундай тадбирларнинг барчаси «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилмоқда.

**Зиёда РАСУЛОВА**

***Пойтахтимизда «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси тизимига инвестицияларни жалб қилиш борасида олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

# ЕНГИЛ САНОАТГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Юртимизда кейинги йилларда енгил саноат корхоналарини ривожлантириш борасида кўплаб самарали лойиҳалар ва кенг кўламли ишлар амалга оширилди ва бу жараён давом этмоқда. Тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш, рақобатбардошлигини таъминлаш борасида олиб борилган изланишлар натижасида ички бозоримиз ўзимизда ишлаб чиқарилган трикотаж ва тўқимачилик маҳсулотлари билан бойиди. Шунингдек, ушбу йўналишдаги экспорт кўлами кенгайди.

Масалан, 1991 йилда республикамизда етиштирилган пахта толасининг мамлакат ичкарисида ишлаб чиқариладиган ҳажми етти фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич деярли эллик фоизга етди. Ҳозирда «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибидаги тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж корхоналари томонидан кенг турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Компания томонидан инвестицияларни жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинади. Ўтган давр мобайнида енгил саноат тизимига 2,1 миллиард доллардан зиёд инвестициялар жалб этилган. Компания таркибидаги 290 корхонадан 156 таси Жанубий Корея, Ҳиндистон, Сингапур, Германия, Швейцария, Италия, Япония, АҚШ ва бошқа давлатларнинг инвестицияси иштирокида ташкил этилган.

Жорий йил якунига қадар инвестиция дастури доирасида 31 та лойиҳанинг татбиқ этилиши кўзда тутилган. Умумий қиймати 231 миллион долларга тенг бўлган мазкур лойиҳаларнинг муваффақиятли ишга туширилиши натижасида 4 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади. Шу билан бирга, ички бозоримиз сифатли тўқимачилик маҳсулотлари билан бойийди ҳамда экспорт кўлами янада ортади.

Шунингдек, республикамиздаги тўқимачилик корхоналарини юқори технологияли ускуналар билан жиҳозлаш мақсадида Швейцариянинг «Ритер АГ», Жанубий Кореянинг «ТМС» ва Хитойнинг «Жуита» компаниялари билан ҳамкорликда пайпоқ тўқийдиган автоматлар, пилталаш ва тараш машиналари ҳамда тўқимачилик ва тикув ускуналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Анжуманда таъкидланишича, мавжуд корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳаллий хом ашёларни қайта ишлаш даражасини ошириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича ишлар давом этмоқда.

**Абдували СОДИҚОВ**

# ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ – ДОЛЗАРБ МАСАЛА

***(Давоми. Боши 1-бетда)***

Мажлисда истиқлол йилларида Ўзбекистонда жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича миллий тизимни такомиллаштиришга доир салмоқли ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

2004 йилнинг августида Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган. 2009 йилда ушбу қонунчилик ҳужжати халқаро стандартлар ҳисобга олинган ҳолда янги таҳрирда қабул қилинган. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борадаги яна бир муҳим ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ушбу соҳани тартибга соладиган махсус давлат ваколатли органи ҳисобланади. Унинг таркибида молиявий таҳлил, тезкор-қидирув фаолияти ва тергов бўлимлари иш юритмоқда. Бу эса бир идора доирасида шубҳали молиявий операциялар ҳақида маълумот олиш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ва жиноий иш қўзғатиш имконини бермоқда.

Евроосиё гуруҳининг ялпи мажлисида мазкур департамент бу борада фаол иш олиб бораётгани қайд этилди. 2011 йилда имзоланган Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги шартномани амалга оширишда мамлакатимизнинг ваколатли органи ҳисобланган ушбу департамент ҳамкор ташкилотлар билан ахборот алмашишни сезиларли даражада фаоллаштирди. Масалан, 2011-2014 йилларда идора томонидан хорижий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва молиявий разведка бўлимларининг 128 сўрови кўриб чиқилди. Шу даврда чет давлатларнинг ваколатли органларига ўттиздан зиёд шундай сўров юборилди. Умуман олганда, Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ўттиздан ортиқ давлатнинг бу йўналишда фаолият юритаётган органлари билан ҳамкорлик қилиб келаётир.

– Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш бугунги кунда жаҳон миқёсидаги долзарб муаммо бўлиб, глобал ечимлар ва халқаро ҳамкорликни талаб этмоқда, – деди молиявий хавфсизлик масалалари бўйича халқаро стратегик маслаҳатчи Жузеппе Ломбардо (Италия). – Ўзбекистон ушбу ишларда фаол иштирок этиб, Пул маблағларини ўзлаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа халқаро молия институтлари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, етакчи халқаро ташкилотлар мамлакатимизнинг жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича тизими самарадорлигини эътироф этмоқда. Базель бошқарув институтидек нуфузли ташкилот Ўзбекистонни Италия, Испания, Канада, Жанубий Корея ва АҚШ каби мамлакатлар қаторида ноқонуний пул ўзлаштириш хавфи энг кам давлатлар гуруҳига киритган.

Мамлакатимизда бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Айни пайтда «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳага кўра Солиқ кодексига Ўзбекистон резидентлари томонидан оффшор зоналарда ташкил этилган компанияларни назарда тутувчи «назорат қилинадиган хорижий компаниялар» тушунчаси киритилган. Бундай компанияларда иштирок этадиган солиқ тўловчилар солиқ органларига тегишли ахборот тақдим этиши шарт. Бунинг самарасида оффшор зоналарда даромадни ўзлаштириш, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш йўлига яна бир ишончли тўсиқ қўйилади.

Пул маблағларини ўзлаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ томонидан 2012 йилнинг февраль ойида янги тавсиялар қабул қилиниши идоралараро ҳамкорликни мувофиқлаштириш механизмларини янада такомиллаштиришни тақозо этди. Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда мазкур тавсияларни ўрганиш ва татбиқ этиш бўйича идоралараро комиссия ташкил этилиб, самарали фаолият кўрсатмоқда. Унинг фаолияти янги халқаро норма ва талабларни амалиётга босқичма-босқич имплементация қилишга қаратилган.

Евроосиё гуруҳи ялпи мажлисида ушбу гуруҳ фаолияти самарадорлигини янада ошириш, минтақа давлатлари ва тегишли халқаро тузилмалар билан ҳамкорликни кенгайтириш, ташкилот таркибига янги аъзоларни қабул қилиш масалалари кўриб чиқилди. Пул маблағларини ўзлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича миллий тизимларни такомиллаштириш мақсадида илғор халқаро ва миллий тажриба ўрганиб чиқилди. Ташкилот гуруҳлари томонидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар, кун тартибига киритилган бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

– Ялпи мажлис юксак савияда ташкил этилгани ва самарали ўтаётганини таъкидламоқчиман, – деди Франция Ташқи ишлар вазирлиги вакили Сара Шерион. – Ҳам минтақавий, ҳам жаҳон миқёсида катта аҳамиятга эга бўлган ушбу тадбир Евроосиё гуруҳи аъзолари ва кузатувчиларига бу борада тажриба алмашиш бўйича катта имконият бермоқда.

Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳининг 22-ялпи мажлиси очиқлик ва ўзаро ишонч, долзарб масалалар юзасидан амалий фикр алмашиш руҳида ўтмоқда.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ИНДОНЕЗИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЧРАШУВЛАРИ

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Индонезия Республикаси парламенти Минтақалар вакиллари кенгаши раиси Ирман Гусман раҳбарлигидаги делегация аъзолари 21 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Неъматилла Йўлдошев билан учрашди.***

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги алоқалар кўплаб жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Индонезия Ўзбекистоннинг Жануби-шарқий Осиёдаги муҳим ва истиқболли шерикларидан биридир. Мамлакатларимиз ўзаро савдони ривожлантириш, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш соҳаларида улкан имкониятларга эга.

Учрашувда томонлар парламентлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиёт ва сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларни фаоллаштириш масалаларини муҳокама қилди. Меҳмонлар Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, қонун устуворлигини таъминлаш, парламент ваколатларини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараларига юксак баҳо берди.

– Ўзбекистон Марказий Осиёдаги етакчи мамлакат, – деди Ирман Гусман. – Мамлакатингиз билан барча соҳаларда, жумладан, иқтисодий жабҳада ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз. Сайёҳлик соҳаси Индонезия ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг истиқболли йўналишларидандир. Юртингизда жаҳон илм-фанига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар яшаб ижод қилган. Ўзбекистонга келиш, қадимий шаҳарларингиз ва тарихий обидаларингизни зиёрат қилиш истагида бўлган индонезияликлар кўп. Юртингиздаги тинчлик-осойишталик, ривожланган туризм инфратузилмаси бунинг учун кенг имконият яратади.

Индонезия делегацияси аъзолари Ўзбекистон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига ташриф буюрди. Ҳазрати Имом мажмуида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

Танловлар

# ЭНГ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР АНИҚЛАНДИ

***Ёшларнинг интеллектуал билимларини ўзлаштиришга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб келмоқда.***

Ҳаракат мамлакатимизнинг иқтидорли ёшларини янада рағбатлантириш, уларнинг ижодий истеъдоди ва қобилиятларини эрта кашф қилиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган саъй-ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлаб келаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Олмазор туманида жойлашган Тошкент молия институти қошидаги 2-сонли академик лицейда истеъдодли ва иқтидорли бўлган ёшлар учун «Юрт келажаги» иқтидорли ёшлар республика кўрик-танловининг туман саралаш босқичи ташкил қилинди. Кўрик-танловда ёшлар 4 та йўналиш бўйича иқтидорларини намойиш этишди. Ушбу йўналишлар бўйича уларнинг маҳоратини малакали мутахассислардан тузилган ҳакамлар ҳайъати баҳолаб боришди.

— Танловнинг Олмазор туман саралаш босқичида туманда жойлашган мактаб, касб-ҳунар коллежи, академик лицей ва олий таълим муассасаларидаги иқтидорли 15-25 ёшгача бўлган 730 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этишди, — дейди «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши бош мутахассиси, «Камалак» болалар ташкилоти раиси Беҳзод Исаев. — Танлов юқори савияда ташкил этилганини таъкидлаш жоиз.

Танловда ҳар бир йўналиш бўйича иштирокчилар пухта тайёргарлик кўрганликлари ва ғолиблик учун кўпчилик ёшлар муносиб эканлиги маълум бўлди. Бу каби танловлар иқтидорли ёшларнинг келажакда бунданда катта ютуқларни қўлга киритишларига замин яратиши шубҳасиз.

* * *

***Бир неча йиллардан буён «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан «Юрт келажаги» иқтидорли ёшлар республика кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.***

Танловдан кўзланган мақсад мамлакатимизда ёш авлодни баркамол қилиб вояга етказиш, иқтидор ва истеъдод соҳибларига ғамхўрлик кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш, интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқаришга кўмак бериш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришдан иборат.

Танловнинг Бектемир туман босқичи ҳам қизиқарли ўтди. Архитектура ва дизайн, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар каби йўналишларда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар ўз иқтидорларини намойиш этдилар.

Иштирокчилар ҳакамлар ҳайъати аъзоларига ўз ишларини намойиш қилишди ва улар томонидан берилган қўшимча саволларга ҳам тўғри ва аниқ жавоб беришди. Барча иштирокчилар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар, ғолиблар эса танловнинг шаҳар босқичига йўлланмага эга бўлишди.

* * *

***«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман Кенгаши томонидан ҳам ёшларни ҳар томонлама мукаммал тарбиялаш, иқтидор ва истеъдод соҳиблари бўлган ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида «Юрт келажаги» иқтидорли ёшлар республика кўрик-танловининг туман саралаш босқичи ташкил этилди.***

Иқтидорли ёшлар танловга туман кесимида жойлашган барча умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасаларида таълим олаётган ҳамда туманда истиқомат қилаётган 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар жалб қилинди. Танлов тўрт йўналишда ташкил этилиб, ундаги ижодий ишларнинг ўзига хослиги билан ажралиб турди. Тадбирда 500 га яқин ёшлар иштирок этди.

Ғолиб бўлган ёшлар Кенгашнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди ҳамда танловнинг Тошкент шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**Латофт МЎМИНОВА**

